

ЎЗАРО ИШОНЧ, ҲУРМАТ ВА ҲАМЖИХАТЛИК МАРКАЗИЙ ОСИЁНИ ТИНЧЛИК, ҲАМКОРЛИК ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК МАКОНИГА АЙЛАНТИРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 11-12 декабрь кунлари амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



Давлатимиз раҳбари 12 декабрь куни Ашхобод шаҳридаги Бетарафлик монументи пойига гул қўйиш маросимида иштирок этди. Туркменистоннинг инсонпарварлик ғоялари, тинчлик, бунёдкорлик ҳамда эзгулик тамойилларига содиқлигини ифодаловчи Бетарафлик ва “Бетарафликнинг 30 йиллиги” ёдгорликларини ўз ичига олган мажмуа ҳам-

да унга туташ ландшафтли боғ Туркменистон доимий бетарафлигининг 30 йиллиги ҳамда “Халқро тинчлик ва ишонч йили”ни нишонлашга тайёргарлик доирасида қайта қурилди ва тантанали равишда очилди. Президентимиз бошқа хорижий делегациялар раҳбарлари билан бирга монумент пойига гул қўйди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ашхобод шаҳрида Туркменистон доимий бетарафлигининг 30 йиллиги, Халқро бетарафлик куни ҳамда 2025 йил “Халқро тинчлик ва ишонч йили” деб эълон қилинганига бағишланган халқро форумда иштирок этди.



Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов раислигида ўтган тадбирда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган, Эрон Ислом Республикаси Президенти Масъуд Пезешкиён, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти

Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомалӣ Раҳмон ҳамда бошқа давлатлар етакчилари, ҳукуматлар, халқро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари ҳам қатнашди. Ўзбекистон Президенти ўз нутқида Туркменистонни доимий бетарафликнинг 30 йиллиги билан самимий табриклаб, ушбу

қутлуғ сана Туркменистоннинг дунёнинг барча мамлакатлари билан тинч, ишончли, дўстона ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга доимо содиқ бўлиб келаётганини ўзида мужассам этишини қайд этди.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТИНЧЛИК ВА ИШОНЧ ХАЛҚАРО ФОРУМИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари! Туркменистон Президенти, ҳурматли Сердар Гурбангулиевич Бердимухамедов ва Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси, кадрли биродарим, ҳурматли Гурбангули Мияликгулиевич Бердимухамедовга самимий қабул ва бугунги форумни юксак даражада ташкил этгани учун чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Туркменистон раҳбариятини ва бутун қардош туркман халқини миллий байрам — Доимий бетарафлик эълон қилинганининг 30 йиллиги билан табриклайман. Ушбу қутлуғ сана Туркменистоннинг дунёнинг барча мамлакатлари билан тинч, ишончли, дўстона ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга доимо содиқ бўлиб келаётганини ўзида мужассам этади.

Биз мазкур форумни тинчликсеварлик ва тинчликпарварлик ғояларини илгари суриш, давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳурматни мустаҳкамлаш, шунингдек, долзарб халқро масалаларни мулоқот ҳамда музокаралар воситасида ҳал қилиш йўллариин излаш учун муҳим сиёсий платформа деб ҳисоблаймиз.

Хурматли иштирокчилар! Туркман халқининг замонавий ўзига ҳослигининг ажралмас қисмига айланган Туркменистоннинг бетарафлиги унинг чуқур тарихий анъаналари, маданий ва маънавий қадриятларига, олижаноблик, бағрикенглик ва яхши қўшничилик каби эзгу қасдларига таянади.

Бу феномен туркман халқининг бугунги босқичдаги ижобий бетарафлик фалсафасининг меъмори — Гурбангули Мияликгулиевич Бердимухамедовнинг ҳал қилувчи роли туфайли бутун дунёда кенг эътирофга сазовор бўлди.

Танланган стратегик йўналиш Туркменистон Президенти, ҳурматли Сердар Гурбангулиевич томонидан янгича жадаллик билан амалга оширилмоқда.

Туркменистоннинг доимий бетарафлик модели суверенитетни ҳурмат қилиш ва ички ишларга аралашмаслик тамойиллари фаол тинчликпарварлик ҳамда дипломатик фаолият билан қандай уйғунлаштириш мумкин эканини ёрқин намоиш этмоқда. Ашхободда БМТнинг Марказий Осиё мамлакатлари учун превентив дипломатия минтақавий маркази муваффақиятли фаолият юритаётгани бунинг яққол далилидир.

Биз Ўзбекистонда туркменистонлик қардошларимизнинг стратегик қарашлари ва ташқи сиёсий ёндашувларига кўп жиҳатдан қўшиламан.

Шу босис, биродар Туркменистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда Тинчлик ва бетарафлик университетини ташкил этиш бўйича ташаббусини қўллаб-қувватлаймиз.

Янги Ўзбекистон учун жаҳонга очкилик, ўзаро ҳурмат ва мулоқотга интилиш — фундаментал қадриятлардир. Айнан шу сабабли биз умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлида бирдамлик бўйича Самарқанд ташаббусини илгари

ри сурдик. Ушбу ташаббус инсоният келажаги учун бефарқ бўлмаган, тинчлик, тотувлик ва барқарор тараққиёт учун интилаётган барча томонларни мулоқотга жалб этишга қаратилган.

Ишончимиз комилки, фақат ўзаро ҳурмат ва тушунишга таянган гуманистик ҳамда инклюзив ёндашувларига замонавий халқро ҳамкорлик конструкциясини мустаҳкамлашга қодир.

Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг Қўшилмаслик ҳаракатидаги бўлажак раислиги даврида биз тинчлик ва зўравонликдан холилик маданиятини қўллаб-қувватлаш бўйича глобал ҳаракатни рағбатлантириш, сиёсий мулоқот асосида давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаш, жаҳонда бағрикенглик, ҳамжиҳатлик ва бирдамлик муҳитини қарор топтиришга кўмаклашишни бош устувор йўналишлар сифатида белгилаш ниятидамиз.

Биз раислигимиз давомида келгуси авлодлар манфаатлари йўлида можароларни ҳал қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш учун 2027 йилни Превентив дипломатия йили деб эълон қилишни режалаштирмоқдамиз. Унинг доирасида конференция ва форумлар ташкил этиш, парламент, жамоат ва ёшлар делегацияларининг ўзаро алмашувларини қамраб оладиган тадбирлар дастурини қабул қиламиз. Унинг амалга оширилишида БМТнинг ихтисослашган институтлари, жумладан, Ашхободдаги Превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ фаол иштирок этишига умид қиламиз.

Ҳурматли дўстлар!

Глобал микёсда кескинлик сақланиб қолаётган ва давлатлар ўртасида ишонч заифлашган ҳозирги шароитда тинчликсеварлик ва воситачилик тамойилларига умумий содиқлик ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Айнан шу сабабли ҳам Туркменистоннинг 2025 йилни “Халқро тинчлик ва ишонч йили” деб эълон қилиш ҳақидаги таклифи жаҳон ҳамжамиятининг энг муҳим талабларига жавоб беради.

Ўзбекистон ушбу ташаббусни тўлиқ қўллаб-қувватлади ва БМТ Бош Ассамблеясининг тегишли резолюциясининг ҳаммуаллифи бўлди.

Ушбу глобал ғоя қарама-қаршиликларни рад этадиган, можароларни музокара-лар столи атрофида ҳал қилишга содиқ ва тинчлик ўрнатиш бўйича таъсирчан чоратадбирлар қўриш тарафдори бўлган мамлакатларнинг бирлашишига хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

Шуни таъкидлашни истардимки, ўзаро ишонч, ҳурмат ва жинслик тамойиллари бизнинг Марказий Осиёни тинчлик, ҳамкорлик ва яхши қўшничилик маконига айлантириш борасидаги сиёсатимизнинг ҳам асосидир.

Ўтган ойда Тошкентда бўлиб ўтган минтақа давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлаш, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича биргаликдаги ҳаракатлар, кўпқиррали иқтисодий ҳамкорлиқни

кенгайтиришга тайёр эканимизни яна бир бор кўрсатди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Туркменистоннинг конструктив ҳамда тинчликсеварлик сиёсати Марказий Осиёда барқарорлик ва тараққиётни таъминлашнинг муҳим омилли ҳисобланади.

Расмий Ашхобод 2018 йилда — кўп йиллардан буён биринчи марта Оролни қутқариш халқро жамғармасига аъзо давлатлар раҳбарларининг биринчи саммитини ташкил этган ҳолда, Жамғарма доирасида олий даражадаги мулоқотларни қайта тиклашда катта роль ўйнади.

Шу йилнинг август ойида Авазда БМТнинг денгизга чиқиш имконияти бўлмаган ривожланган мамлакатлар бўйича учинчи конференциясининг ўтказилиши минтақада ягона транспорт-логистика маконини шакллантиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Афғонистонни минтақавий иқтисодий жараёнларга жалб этиш ва инфратузилмавий боғлиқлиқни кучайтириш орқали тинч йўл билан ривожлантиришга кўмаклашиш масалалари бўйича бизнинг ва Туркменистоннинг ёндашувлари тўлиқ мос келади.

Ашхободнинг энергетика ва сув хавфсизлиги, барқарор транспорт боғлиқлигини таъминлаш, шунингдек, минтақада экотизимни химоя қилиш бўйича ташаббуслари бизнинг Марказий Осиёдаги саъй-ҳаракатларимизни табиий равишда тўлдирмоқда.

Туркменистоннинг замирида тинчлик ва ишонч каби эзгу ғоялар мужассам бўлган бу

ПАРАГВАЙ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФИ САМАРАЛИ БЎЛМОҚДА

Парагвай Республикаси Президенти Сантьяго Пенья расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турибди.

Олий мартабали меҳмон 12 декабрь куни “Янги Ўзбекистон” боғига ташриф буюриб, Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Улуг ва хайрли мақсадлар йўлида эзгу амаллари билан юртимиз тарихида ўчмас из қолдирган аждодларимиз сиймосига бугун дунё аҳли эҳтиром кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз ўтмиши ва келажагига ишонч тимсоли бўлган Мустақиллик монументи ушбу заминда маънавиятининг гултожи бўлган камолот соҳиблари етишганидан далолат бериб турибди.

Парагвай Президенти Сантьяго Пенья Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўяр экан, Ватан озодлиги, эл фаровонлигининг ёрқин ифодаси сифатида мағрур қад ростлаган мажмуа қошида рамзий бош эгиб эҳтиром кўрсатди.

Юртимиз тарихи, дунё тамаддунига ҳисса қўшган боболаримиз маърифати ҳақида матлумотларга эга бўлди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси инвестициялар, саноат ва савдо вазири Лаъиз Қудратов ҳамда бошқа расмийлар иштирок этди.

Пойтахтимизда бунёд этилган Олимпия шаҳарчаси халқимизнинг юксак бунёдкорлик салоҳияти ва ўзбек спортининг оламшумул ютуқларига асос бўлади.

Парагвай Республикаси Президенти Сантьяго Пенья меъморий жиҳатдан мукамал, жаҳон стандартларига мос энг илгор инновацион ечимларни ўзида мужассам қилган Олимпия шаҳарчасига ҳам ташриф буюрди.

Олий мартабали меҳмонга Ўзбекистон Республикаси спорт вазири Адҳам Икромов ва Миллий олимпия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Отабек Умаров ҳамроҳлик қилди.

Дарҳақиқат, бугун ушбу мажмуа Янги Ўзбекистоннинг имкониятларини нафақат Осиё, балки бутун дунёга кўрсатмоқда. 2022 йил 9 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шаҳарча қурилишига тамал тошини қўйган эди. Умумий майдони 100 гектардан зиёд бўлган мажмуада енгил атлетика ва футболга ихтисослашган стадион, турли спорт мусобақаларига мўлжалланган ёпиқ ва очиқ иншоотлар барпо этилди.

Давоми 2-бетда



БОЗОРДА ТЎКИНЛИК ВА ИҚТИСОДИЁТДА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАМОҚДА

3

Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни олдидан

АГРАР СОҶАДАГИ ИСЛОҶОТЛАР

БОЗОРДА ТЎКИНЛИК ВА ИҚТИСОДИЁТДА

БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАМОҚДА



Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
қишлоқ хўжалиги вазири

Сўнгги йилларда жаҳон миқёсда кечаётган иқтисодий, ижтимоий ва экологик ўзгаришлар инсониятни янада сертакликка чорламоқда. Хусусан, глобал иқлим ўзгариши, табиий ресурсларнинг қисқариши, дунё бозорларидаги беқарорлик ва геосиёсий кескинликлар ҳар бир давлатни ўз ички имкониятларини қайта баҳолаш, келажақ учун мустаҳкам асос яратишга ундаётди. Айниқса, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи бугун фақат иқтисодий устувор йўналиш эмас, балки миллий барқарорликнинг энг асосий шарти сифатида яна кун тартибига чиқмоқда. Ана шундай шароитда қишлоқ хўжалиги оддий ишлаб чиқариш тармоғи бўлибгина қолмай, халқ фаровонлигини белгилайдиган, давлатнинг узоқ муддатли ривож учун асос бўладиган стратегик соҳа сифатида тобора катта аҳамият касб этмоқда.



Ўзбекистон учун эса бу масала янада ўзига хос. Чунки юртимиз тарихида ерга муносабат, меҳнат ва ҳосилдорлик маданияти ҳамisha жамият ҳаётининг ўзатини ташкил этган. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш бўйича амалга оширилган изчил ислохотлар бугун янги босқичга кўтарилиб, соҳага тамоман бошқача мазмун кирита бошладди. Фермерлиқни қўллаб-қувватлаш, илмий янгиликларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи давлат сиёсатида устувор ўринни эгалламоқда.

Дунё таърибаси ҳам бир ҳақиқатни ойдинлаштирмоқда: қайси давлат аграр соҳани ривожлантирса, иқтисодий мустақиллик ва барқарорликка йўл очади. Шу боис, олдимизга қўйилган асосий мақсад замонавий, самарадор ва инновацияга таянган қишлоқ хўжалиги тизимини шакллантиришдан иборат. Чунки келажақда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаган давлатгина ўз тараққиётини ишончли қафолатлай олади.

Яқинда етаётган йил қишлоқ хўжалиги соҳасининг ҳақиқий салоҳияти намойён бўлаётган, барқарор ўсиш изига тушаётган давр сифатида тарихда қолмоқда. Жорий йил қишлоқ, ўрмон ва баллиқчилик хўжалиқларида маҳсулот етиштириш қиймати 517,5 триллион сўмни ташкил этиши кутуломоқда. Бу кўрсаткич бир қарашда оддий туюлиши мумкин, аммо унинг замирида миллионлаб қишлоқ хўжалиги ходимларининг машаққатли меҳнати, тўғри юритилган сиёсат самараси муҳассам.

Шу кунгача 9,7 миллион тоннадан ортиқ галла ва гуруч, 19,5 миллион тоннадан ортиқ сабзавот, полиз ва картошка етиштирилди, мева ва узум эса 5,4 миллион тоннага етди. 1 миллион тонна дуккакли ва мойли экинлар етиштирилди. Ушбу кўрсаткич аҳолининг

Шунингдек, соҳада 1,2 миллионга яқин иш ўрни очилгани ижтимоий барқарорликнинг энг муҳим белгисидир. Чунки қишлоқдаги иш ўрни оила даромади, ёшлар келажаги, халқнинг муносиб ҳаёт кечиришга ишончини қафолатлайди. Демак, қишлоқ хўжалиги энди фақат маҳсулот етиштириш майдонини доирасида чекланган соҳа эмас, балки озиқ-овқат хавфсизлиги, экспорт имконияти ва аҳоли фаровонлигини таъминлайдиган улкан стратегик тизимга айланмоқда.

Аграр соҳада кечаётган ислохотлар бугун рақамларда эмас, балки юрт тараққиётининг умумий манзарасида ўз аксини топомқда. 2025 йилда соҳага оид 64 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилингани қишлоқ хўжалиги ривожини энди тасдиқлайди жараён эмас, балки қатъий ҳуқуқий асосга эга стратегия йўл эканини кўрсатади. Ўзбекистон Республикасининг жорий йил 3 февралдаги “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуни озиқ-овқат хавфсизлигини давлат сиёсатининг марказига қиқариб, унинг асосий йўналишлари, масъул органлар ваколати ва озиқ-овқат балансини шакллантириш механизmlарини аниқ белгилла берди. Яъни озиқ-овқат хавфсизлигини энди назарий тушунча эмас, балки ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган сиёсий мақсадга айланди.

Хавф-хатарлар тобора кескинлашиб бораётган бир вақтда — шу йил 14 апрель куни “Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини сугурта қилиш тўғрисида”ги қонун қабул қилингани аграр соҳа вакилларининг эртанги кунга ишончини оширадиган муҳим қадам бўлди. Қонунда сугурта фаолиятининг ҳуқуқий асослари, хавф-хатарларида қўриладиган чоралар, зарарини қоплаш тартиблари ва махсус жамғарманинг фаолияти белгилла

фармаси ва Аграр соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш агентлиги ташкил этилмоқда. Натижада субсидия ажратиш жараёни 4 босқичдан 2 босқичга қисқаради. Бу соҳада бюрократия камайиб, самарадорлик ортиб бораётганини кўрсатади.

Амалга оширилган ислохотларнинг энг ёрқин самараси сув тежовчи технологияларнинг қўлланиш кўлами 2,6 миллион гектарга етганидир. Фақат 2025 йилнинг ўзига 250 минг гектарда томчилатиб сугориш ва бошқа инновацион технологиялар қўлланди. 610 минг гектар ер лазерли технология ёрдамида текислаб берилди. Натижада 2,5 миллиард куб метр сув иқтисод қилинди. Бу рақамлар сув ресурслари тобора танқислашаётган шароитда қишлоқ хўжалигининг келажаққа тайёриланётганини кўрсатади.

Охириги уч йилда гумус миқдори паст бўлган майдонларнинг 2,5 миллион гектардан 1,5 миллион гектаргача камайиб, фақат жорий йилнинг ўзига 381 минг гектарда туپроқ сифатининг яхшиланиши — ерни тиклаш ва озиқлантиришга қаратилган комплекс чоралар амал қилаётганидан далолат.

Шу билан бирга, ер бозорининг активига айлантирилиши, ҳуқуқларининг иқтинчи даражали ижарага ўтказилиши ва жорий йилда 80 минг гектардан ортиқ қайта ишлатиш қиймати бўлган ерлар — ресурслар энди қийматсиз эмас, балки бошқарув талаби ва бозор қонуниятларига жавоб берадиган иқтисодий активга айланаётганини аниқлатади.

Яна бир муҳим жиҳат: охириги 3 йилда аграр соҳа ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жаҳонга 5,7 миллиард долларлик хорижий инвестиция кириб келди. Бу эса соҳага ишонч, бозорнинг очиклиги ва ривожланиш

қишлоқ хўжалигини самарадорлик нуқтаи назаридан янги босқичга олиб чиқмоқда. Жорий йилда 875 минг гектар майдонга чигит экилиб, 4 миллион тонна ҳосил олинди. Шунингдек, республика бўйича 181 минг гектар майдонда Шинжон таърибаси асосида чигит экиш ва томчилатиб сугориш технологияси қўлланди.

Механизацияни кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди: 170 миллион доллардан ортиқ маблағ йўналтирилиб, 960 дан ортиқ пахта териш машиниси етказиб берилди. Бу меҳнат сарфини камайитириш билан бирга пахтачиликда мўл

қаратилган мураккаб, аммо зарур чоралардан биридир.

Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш ва қўйилган қиймат яратиш мақсадида сўнгги йилларда 1500 та озиқ-овқат лойиҳаси ишга туширилди. Натижада мева-сабзавотни қайта ишлаш даражаси 15,3 фоиз, гўштда — 16 фоиз, сўт маҳсулотларида эса 22 фоизга етказилди.

Маҳсулотларимиз табиий ва мазали бўлгани учун халқаро бозорларда алоҳида қадр-қимматга эга. Юртимиз бренди — “Ўзбекистонда етиштирилган” деган ном экспортёрлар учун нафақат имиж, балки юқори



Рашид ТАЛИБОВ олган суратлар.

асосий иқтисодий қафолат бўлди. Қишлоқ хўжалиги корхоналарига, пахта ва галлачиликдан ташқари қўйилган қиймат солиғи “ноль” қийматда белгиланди. Шунингдек, пахтачиликда субсидия ва кредитларнинг бир қисmini қоплаб беришнинг янги механизmlари қўлланди. Бу рақамлар давлатнинг аграр секторини қўллаб-қувватлаш ва модернизация қилишга қаратилган самарали сиёсати натижасидир.

Иссиқхоналар соҳасида ҳам қатор стратегик чора-тадбирлар қўрилди. Солиқ қарзлари тўлови 2028 йил якунигача узайтирилиб, кейинги йилларда — 2029 йилнинг ҳар чорагига тўлаш тизими жорий этилди. Бу чора фермер ва иссиқхона соҳибларининг молиявий юқини юмшатиб, маҳсулот етиштиришни барқарорлаштириш имконини бермоқда. Шу билан бирга, 2026 йил 1 январдан 2028 йил якунигача ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз этиб белгиланиши соҳадаги барқарорлик ва инвестиция жоизбдорлигини оширишда муҳим қадам бўлди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 17 триллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Бу маблағ фермерларнинг ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириб, инновацион технологиялар ва самарали агротехника жорий этиш учун ҳам асосий капитал сифатида хизмат қилмоқда.

Худудларда агрологистика ва совиткичи омбор инфраструктурасини ривожлантиришда ҳам салмоқли ишлар қилинди. Жорий йилда 145 минг тонна қувватга эга 10 та агрологистика маркази ҳамда 45 минг тонна қувватдаги 76 та совиткичи омбор ишга туширилди. Шу билан умумий агрологистика қуввати 1 миллион 442 минг тоннага, совиткичлар қуввати эса 1 миллион 380 минг тоннага етказилди. Бу маҳсулотларнинг узлуksиз ва сифатли етказиб берилишини таъминлаб, етиштиришдан бозоргача бўлган занжирда самарадорлиқни оширади.

Чорвачилик соҳасида ҳам стратегик ўзгаришлар сезиларли даражада. Маҳсулдорлиқни ошириш мақсадида аҳоли ва фермер хўжалиқларидаги 2,5 миллион бош ситир ва таналар сўний уруғлантирилди. Шунингдек, насликчилик субъектлари томонидан 22 минг бош қорамол, 36 минг бош наслик қўй ва эчки аҳолига етказиб берилди. Чет элдан эса 180 минг бош қорамол ва 140 минг бош қўй-эчки олиб келинди. Қўрилган бу чоралар чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш баробарида миллий генетик захиран мустаҳкамлаш ва узоқ муддатли ривожланишни таъминлашга қаратилган.

Аграр соҳани рақамлаштиришда ҳам катта натижаларга эришилди. 2021-2025 йилларда 20 дан ортиқ ахборот тизими ишлаб чиқилди. Хусусан, 2025 йилда “АгроМониторинг”, “АгроТароз”, “Ҳосил қабули”, “АгроДокс” ва “Е-уруғ” ахборот тизимлари кенг жорий қилинди. Айниқса, “Ҳосил қабули” тизими орқали пахта ҳажми онлайн, шаффоф равишда шакллантиришга бошланди.

Хизматларни рақамлаштириш орқали масофадан туриб ҳам фермерларга хизмат кўрсатиш имконияти яратилди. Бу замонавий агротехника ва рақамли ечимлар орқали соҳа самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, ресурсларни тежаш ва бизнес жараёнларини соддалаштириш имконини берди.

Янги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги бугун глобал хавф-хатарлар қўлига бораётган даврда бир ҳақиқатни тасдиқламоқда: озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаган, ер ва сувнинг қадрини билган, инновация ва илм-фанга таянган миллатнинг келажаги ёруғ бўлади. Мамлакатимиздаги ҳар бир ислохот, қабул қилинаётган ҳар бир қонун, жорий этилаётган ҳар бир технология — келажақ авлодининг тинчлиги, дастурхони тўқинлиги ва Ватанимиз мустақиллигини қафолатлашга қаратилган миллий сиёсатнинг мантқиқий давомидир.

Ислохотлар натижаси фақат бутунни эмас, балки эртани ҳам назарда тутмоқда. Шу маънода, қишлоқ хўжалигидаги бугунги ислохотлар эртанги юксак мақсадларга етиш учун қўйилган мустаҳкам пойдевор, юртимизнинг стратегик йўлини белгиллаб берадиган улкан таъриба, халқимизнинг меҳнати ва иродасининг яна бир буюк ифодасидир.



сифатли озиқ-овқатга эҳтиёжини қоплаш, ички бозордаги нархлар барқарорлигини мустаҳкамлаш ва экспорт имкониятларини кенгайтириш учун муҳим замин ҳозирлайди.

Чорвачиликда 3 миллион тоннадан ортиқ гўшт ва 13 миллион тонна сўт олингани аҳолининг кундалик эҳтиёжи, соғлом турмуш тарзи ва протенига эҳтиёжини қоплайди. Бу йил 30 минг тонна пилла йиғиб олингани ортдан қишлоқ жойлардаги юз минглаб оилаларга қут-баракка кириб борди.

Озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқариш кўрсаткичи 142,2 триллион сўмга етди ҳамда 107 фоизлик ўсишга эришилди. Бу — қишлоқда етиштирилган ҳар бир ҳашакининг қиймати қайта ишлаш орқали бир неча баробар ортиб, индустриал занжирда ўз ўрнини топаётганининг яқол исботи. Натижада экспорт даражаси ўсиб, ички бозорда сифат ва рақобат муҳити кучаймоқда.

берилди. Бу тизим фермер ва деҳқонлар меҳнатини бозор хатарларидан ҳимоя қилиб, қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланиш йўлига олиб чиқади.

Бундан ташқари, бу йил “Қишлоқ хўжалиги кооперативи тўғрисида”ги қонун ҳам қабул қилинди. У фермер ва деҳқонларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашда янги имкониятлар очди. Бирлашган меҳнат, умумий инфратузилма ва биргаликдаги манфаатлар таъминли қишлоқ хўжалигини янги иқтисодий маданиятга етакламоқда.

Иқлим ўзгаришининг салбий таъсирларига қарши курашиш мақсадида ҳосил сугуртаси механизмининг жорий қилиниши ва 2026 йилдан сугурта муфотиғининг 50 фоизини давлат томонидан қоплаб берилиши фермернинг меҳнатини хавфдан ҳимоя қилишнинг яна бир кучли қафолатидир. Шу мақсадда Қишлоқ хўжалиги сугурта жам

“**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ БУГУН ГЛОБАЛ ХАВФ-ХАТАРЛАР КУЧАЙИБ БОРАЁТГАН ДАВРДА БИР ҲАҚИҚАТНИ ТАСДИҚЛАМОҚДА: ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАГАН, ЕР ВА СУВНИНГ ҚАДРИНИ БИЛГАН, ИННОВАЦИЯ ВА ИЛМ-ФАНГА ТАЯНГАН МИЛЛАТНИНГ КЕЛАЖАГИ ЁРУҒ БЎЛАДИ.**”

салоҳиятининг жаҳон миқёсда юқори баҳоланаётганини кўрсатади.

Иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ хавф-хатарларга қарши самарали чоралар кўриш мақсадида 2025 йилда иккита катта миллий дастур қабул қилинди. Ушбу дастурлар доирасида Оролбўйи ҳудуди ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасида иқлим ўзгариши билан боғлиқ лойиҳалар учун 294 миллион доллар йўналтирилди. Бу кўрсаткич нафақат иқтисодий инвестиция, балки барқарорлик ва келажаққа ҳозирлик сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодий самарадорлиқни ошириш ва халқаро молия институтлари маблағларини самарали жалб қилиш мақсадида лизинг хизматларини молиялаштириш тизими йўлга қўйилди. Ушбу тизим орқали халқаро молия институтлари ажратган 200 миллион доллар лизинг хизматига йўналтирилди. Бу эса фермер ва деҳқонлар учун замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларини етказиб бериш имконини яратди. Натижада умумий қиймати 6 триллион сўмдан ортиқ 11 мингдан зиёд техника ва агрегатлар қишлоқ хўжалиги субъектларига етказиб берилди.

Илм-фан ютуқлари ва илгор халқаро тажрибаларнинг кенг жорий қилиниши бугун

ҳосилни таъминлайдиган асосий омилга айланди. Маҳаллий фермерлар ва миришкор деҳқонлар бу йилги ҳосилнинг чўғи юқори бўлганини эътироф этаётгани сабаби шунда.

Галлачилик соҳасида замонавий ресурс тежамкор агротехнологияларни жорий қилиш натижасида ўртача ҳосилдорлик 85 центрге етди. Сабзавотчилик ва богдорчилик соҳасида ҳам замонавий ресурс тежамкор технологияларни қўллаш туфайли қатор муҳим ютуқларга эришилди. Жорий йилда 57 минг гектар майдонда сабзавот етиштирилиб, ҳар гектардан олинаётган соф даромад 7000-8000 долларни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич деҳқоннинг даромадини ошириш билан бирга замонавий технологияларнинг самарадорлиқка ижобий таъсирини ҳам намойён этмоқда.

Богдорчилик соҳасида мураккаб ислохотлар амалга оширилди: республика бўйича 24 минг гектар ангидан мевали бог, 7,7 минг гектар узумзор барпо этилди. Шундай қилиб, кам ҳосил берувчи ва иқтисодий самарасиз 25 минг гектар бог ва 10 минг гектар тоқор реконструкция қилинди. Бу майдонларни модернизация қилиш, ресурслардан тўлиқ фойдаланиш ва самарадорлиқни оширишга

сифат ва хавфсизлик рамзига айланди. Айниқса, қуритилган олхўри ва ўрик, шафтоли, майиз, гилос ва дуккакли маҳсулотлар экспорт бўйича мамлакатимиз юқори ўринларини эгаллаб, халқаро бозорда рақобатбардошлигини намойён этмоқда. Шу билан бирга, қайта ишланган мева концентратлари ҳамда янги турдаги шок ва сублимация қилинган маҳсулотлар халқаро бозорларда эътироф этилмоқда.

Жорий йилда экспорт географияси сезиларли даражада кенгайиб, маҳсулотлар 93 давлатга жўнатилиб ва умумий экспорт қиймати 3 миллиард долларни ташкил этди. Шунингдек, 70 дан ортиқ маҳаллий экспортёр Хитойнинг махсус экспорт реестрига киритилди. Бу йил 8 давлатга 36 хил маҳсулот учун фитосанитар рухсатномаси олинди. Умумий ҳисобда бу кўрсаткич 646 тага етказилди. Мазкур рақамлар нафақат экспорт ҳажмининг ошириш, балки маҳсулот сифати ва хавфсизлигини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш йўлидаги тизимли ислохотлар самара бераётганини кўрсатади. Шу билан бирга, жорий йилда қарий 2,5 миллиард долларлик қишлоқ хўжалиги ва 1 миллиард долларлик озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт қилинди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам кенг кўлами ва самарали ишлар бажарилди. Пахта етиштирувчилар ва пахта тўқимачилик кластерлари ўртасида бозор муносабатлари янада такомиллаштирилди. Энди фермерлар етиштирган пахтани ўз хоҳишига кўра биржа орқали сотиши, жумладан, фьючерс, форвард ва спот шартномаларини тузиши мумкин. Бу механизм фермер ва кластерлар ўртасида оқиқ ва рақобатли бозор муҳитини яратиб, нарх ҳамда талабни реал вақтда белгиллаш имконини беради.

Фермерларнинг 2024 йилгача бўлган солиқ қарздорлигига ҳисобланган 1 триллион сўм пеня ҳисобдан чиқарилиши аҳоли ва кичик бизнесни молиявий юқдан халос қилиш, қишлоқ хўжалиги корхоналари учун эса энг



СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ

ИЛМИЙ САЛОҲИЯТ ВА ИШ УСЛУБИНИ
ЮКСАЛТИРИШДА УНИНГ АҲАМИЯТИ КАТТАЮлия РИСЮКОВА,
Таълимни ривожлантириш
республика илмий-методик
маркази директори

Янги минг йилликда рақамли технологиялар ривожини инсоният тараққиёти учун шиддатли бўрилиш нуқтасини вужудга келтирди. Хусусан, бугун сунъий интеллект шунчаки виртуал ёрдамчи восита макомидан чиқиб, глобал иктиодиёт, давлат бошқаруви ва ижтимоий ҳаётни тубдан ўзгартирувчи куч сифатида намоён бўлмоқда.

Президентимиз сунъий интеллект бўйича халқаро форумдаги тарихий нутқида таъкидлаганидек, ушбу технология эндиликда ҳаётини заруратга айланиб улгурди. Давлатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган “5 миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳаси ҳамда соҳани 2030 йилгача ривожлантиришга қаратилган стратегик ташаббуслар Ўзбекистон таълим тизими олдига кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни қўймоқда.

Жумладан, Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази жамоаси олдига қуйидаги устувор вазифалар турибди:

- таълим жараёнига инновацион педагогик технологияларни, ўқитишнинг самарали шакл ва усулларини, таълим сифатини баҳолаш ҳамда мониторинг қилишнинг замонавий тизимларини жорий қилиш;
- таълим ташкилотларида ўқитиш методикасини такомиллаштириш, замонавий талаблар ва илғор хорижий тажриба асосида янги дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни нашр қилиш, тажриба-синновдан ўтказиш ҳамда экспертиза қилишни ташкиллаштириш;
- таълим соҳасини ривожлантиришга қаратилган тахлилий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш, таълим жараёнида жадон илм-фани

ва технологиялари ютуқларидан кенг фойдаланиш бўйича илмий ишланмалар ва тавсиялар тайёрлаш;

— таълим соҳасидаги илғор амалиётини ўрганиш ва тизимли таҳлил қилиш ҳамда уни республикада жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш, етакчи хорижий илмий-тадқиқот ташкилотлари билан алоқаларни ривожлантириш. Булар айнан ушбу инновацион технологияларни таълим жараёнига олиб киришда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

ГЛОБАЛ ТАЪЛИМ
ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

Халқаро тажрибага назар ташласак, Сингапур, Жанубий Корея, Хитой, АҚШ, Финляндия ва БААда сунъий интеллект, асосан, учта стратегик йўналишда таълим сифатини тубдан ўзгартираётгани аён бўлади. ЮНЕСКОнинг сўнгги йиллардаги сунъий интеллектдан таълим тизимида фойдаланиш бўйича тадқиқотлари натижалари таълимни шахсга йўналтириш, бошқарувни оптималлаштириш ва ўқитувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда таълим самардорлигини ошириш бўйича бундай технологияларнинг имкониятлари кенг эканини кўрсатмоқда.

Бу жараён, биринчи навбатда, мослашувчан ва шахсга йўналтирилган таълимда намоён бўлади. Жаҳон тажрибасида анъанавий “бир ўлчама ҳаммага мос” ёндашуви долзарблигини йўқотмоқда.

Иктиодиий ҳамкорлик ва тараққий таълим ташкилоти (OECD) маълумотларига кўра, сунъий интеллект асосидаги платформалар ўқувчилар билим даражасини реал вақт режимида баҳолаб, ўзлаштириш самардорлигини 20-30 фоизгача оширяпти. Масалан, Хитойда жорий этилган “Squirrel AI Learning” тизими орқали ўқувчилар учун индивидуал дастурлар тузилиши натижасида тест баллари 25 фоизгача кўтарилгани қайд этилган. Сингапур ва АҚШдаги таълим



тизимларида жорий қилинган адаптив “ақли” платформалар эса ўқувчилар эҳтиёжларини, қизиқишларини ва ўзлаштириш суръатини онлайн таҳлил қилиш орқали ҳар бир ўқувчи учун индивидуал таълим траекториясини яратяпти.

Хиндистоннинг “Swift eLearning Services” компанияси тажрибасида сунъий интеллект ўқувчининг қачон ва нима сабабдан ўзлаштиришда қийинчиликка дуч келишини олдиндан аниқлаб, шахсга йўналтирилган таълим бўйича ечимлар таклиф этиши исботланган. Бу технологиялар ўқувчининг билим олишга бўлган мотивациясини ошириб, ўзлаштириш самардорлигини яхшилайдди.

Иккинчи муҳим йўналиш маълумотларга асосланган (Big Data) бошқарувдир. Таълим



“

“Brookings Institution” ва “EdTech Hub” тахлилларига кўра, сунъий интеллект ёрдамида мактабларда дарс қолдиришларни аниқлаш аниқлиги 85 фоизгача ошади. Ўзлаштиришда ортда қолаётган ўқувчиларни аниқлаш вақти эса 5 баробар тезлашади.

жараёнида йиғиладиган катта ҳажмдаги маълумотлар тахлилий стратегик қарорлар қабул қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. АҚШ, Хитой ва Жанубий Корея каби давлатларда сунъий интеллект воситалари ўқувчилар давомати ва дарсдаги фаоллигини реал вақт режимида мониторинг қилишда кенг қўлланилади.

“Brookings Institution” ва “EdTech Hub” тахлилларига кўра, сунъий интеллект ёрдамида мактабларда дарс қолдиришларни аниқлаш аниқлиги 85 фоизгача ошади. Ўзлаштиришда ортда қолаётган ўқувчиларни аниқлаш вақти эса 5 баробар тезлашади. Бу технологиялар мактаб маъмуриятига ресурсларни 30 фоизгача оптималлаштириш ва стратегик қарорларни далилларга асосланб қабул қилиш имконини беради.

Замонавий тахлилий платформалар визуал маълумотларни тақдим этиб, қайси тоифадаги ўқувчилар ўзлаштиришда орқада қолиш хавфи борлигини олдиндан прогноз қилиб боради. Бу технологиялар мактаб маъмуриятига ўқувчиларни қабул қилиш, дарс жадвалларини оптималлаштириш ва ресурсларни тўғри тақсимлашга қўмаклашади.

Учинчи йўналиш эса ўқитувчиларга методик ёрдам кўрсатиш ва жараёнларни автоматлаштиришдан иборат. Халқаро

бошқарув соҳаси бўйича етакчи ташкилотлардан бири — “McKinsey” компанияси тахлилий сунъий интеллект билим ва кўникмаларни баҳоловчи тестларни тузиш вақтини 50-80 фоиз, дарс режаларини тайёрлашни эса 30-60 фоиз қисқартиришнинг кўрсатган. Масалан, АҚШда қўлланилаётган “Khanmigo” тизими ўқитувчининг ҳафталик юкламасини 3-5 соат камайтиргани тажрибада исботланган.

Ўқитувчиларни кундалик маъмурий юкламдан озод қилиш сунъий интеллектнинг энг катта ютуқларидан биридир. “Siri”, “Alexa”, “Ada” ва “Deakin Genie” каби чат-ботлар таълимда 24/7 режимида ўқувчиларнинг саволларига жавоб бериб, уларнинг вақтини тежамоқда. АҚШ Таълим вазирлиги ҳисоботига кўра, сунъий интеллект ўқитувчиларга ўз ишларини саралаш, жумладан, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган ўқувчиларга ёрдам бериш ва ресурсларни мослаштиришда асосий воситага айланмоқда.

ЯНГИ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШ

Халқаро илғор тажрибалар ва глобал тенденцияларни чуқур таҳлил қилган ҳолда Ўзбекистон таълим тизимида сунъий интеллектни жорий этишнинг ўзига хос миллий модели

шакллантирилмоқда. Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази соҳани комплекс ривожлантиришнинг 11 та устувор йўналишини белгилаб олган бўлиб, улар қаторига рақамли таълим ресурсларини яратиш, баҳолаш тизимини автоматлаштириш, касбга йўналтириш ва инклюзив таълимни қўллаб-қувватлаш қиради. Айниқса, таълим тизимини бошқаришда маълумотлар таҳлиliga асосланган қарорлар қабул қилиш механизмини йўлга қўйиш ресурсларни тўғри тақсимлаш ва стратегик режалаштириш имконини беради. Бу жараёндаги энг ийрик ва инновацион ташаббуслардан бири “Виртуал методист” платформасидир. Мазкур лойиҳа республика миқёсида йилга минглаб ўқитувчига ўз устида мустақил ишлаш имконини беради. Ушбу платформа шунчаки оддий восита эмас, балки “педагогнинг рақамли эгизиги” тамойили асосида ишлайдиган интеллектуал тизимдир. У ўқитувчининг фани, тажрибаси, синфнинг ўзлаштириш даражаси ва дарс мақсадларини таҳлил қилиб, миллий таълим стандартларига тўлиқ мос келадиган дарс ишланмаларини ҳамда методик тавсияларни автоматик тақдим этишни қўллаб-қувватлайди.

Платформа дарс жараёни учун зарур бўлган мултимедиа ресурслар, тақдиротлар ва фанларга оид билимларни баҳоловчи тестларни бир зумда тайёрлаб бериш орқали методик қўлланмалар ишлаб чиқиш харажатларини 40-60 фоиз оптималлаштиради. Агар ушбу тизимдан педагогларнинг камда 20 фоиз фойдаланса, тахминий ҳисоб-китобларга кўра, кунига 400-600 мингта методик тавсия яратиб, таълим сифати янги босқичга кўтарилишида муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

ЭТИКА ВА ХАВФСИЗЛИК
МАСАЛАСИ

Таълим жараёнига сунъий интеллект технологиялари жадал кириб келиши нафақат янги имкониятларни, балки жиддий ахлоқий масъулиятни ҳам кун тартибига қўймоқда. Шу боис, марказимиз фаолиятида сунъий интеллект технологияларидан таълим жараёнида фойдаланиш этикасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бизнинг ёндашувимизга кўра, ҳар қандай илғор технология, энг аввало, “рақамли фуқаролик” тамойилларига асосланиши ва инсон манфаатларига хизмат қилиши зарур. Бу жараёнда энг устувор вазифа таълим олувчилар ва педагогларнинг шахсий маълумотлари хавфсизлигини таъминлашдир. Ўқувчиларнинг баҳолари, хулқ-атвори ёки ўзлаштириш кўрсаткичларини таҳлил қилувчи ҳар қандай интеллектуал тизим маълумотлар махфийлигини стандартларига қатъий риоя қилиши, уларни рухсатсиз тарқатишдан ҳимоялаш лозим. Бунда ўқитувчилар ва ота-оналар сунъий интеллект қандай қарор қабул қилаётгани, қайси маълумотларни таҳлил қилаётгани ва бу хулосалар нимага асосланганини аниқ билиш ҳуқуқига эга.

Яна бир муҳим жиҳат, алгоритмик адолатни таъминлашдир. Сунъий интеллект алгоритмларидаги эҳтимолий хатоликлар ёки нохотисиклар таълим олувчилар имкониятини чеклаб қўймаслиги, уларни нотўғри баҳоламаслиги керак. Бу ёндашув ЮНЕСКОнинг сунъий интеллект этикаси бўйича тавсияларига ҳамда халқаро стандартларга тўлиқ ҳамоҳангдир.

Сунъий интеллект бугунги куннинг реал иш курулига айланди. Амалиётдаги тажрибалар кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон таълим тизими ўзининг рақамли ривожланиш йўлини аниқ белгилаб олган. Бугунги кунда жорий этилаётган инновацион платформалар ўқитувчиларни технология билан алмаштиришни эмас, балки унинг ишини енгиллаштириб, бор салоҳиятини ўз устида ишлаш ва янги билимларни ўзлаштиришга йўналтириш ҳамда методик жиҳатдан қўллаб-қувватлашни мақсад қилган. Зеро, бизнинг асосий миссиямиз замонавий технологиялар имкониятидан фойдаланиб, янги Ўзбекистоннинг рақобатбардор ва бунёдкор авлодини тарбиялашдан иборат.



“Қизилқум оҳанглари — 2025”

ЯНГИ ИСТЕЪДОДЛАРНИ
КАШФ ЭТИШДА ДАВОМ ЭТАДИ

Қизилқум ҳақида сўз очилса, кўз ўнгимизда кенг дала ва поёнсиз чўл гавдаланади. Ваҳоланки, бугун мана шу кенгликларда чинакам жамол очган навқирон шахар ва туманлар, обод кўргону қишлоқлар, манзилар овуллар жойлашган. Табиийки, ушбу гўшаларнинг ўз анъанаси, қадрияти, санъати ҳамда устозлари изидан келаётган ёш иқтидорлари бор. Уларни юзага чиқариш, рағбатлантириш ва элга танитишда “Қизилқум оҳанглари — 2025” анъанавий ижрочилик кўрик-танловининг ўрни бекиёс.

Навоий кон-металлургия комбинати ходимлари касба уюммаси кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган жорий йилги анъанавий фестивал “Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси” давлат муассасаси тасаруфидидаги барча маданият масканлари ижрочиларини, ижодий жамоалар, ёш истеъодлар ва моҳир устозларни бир сахнага жамлади. Танлов кўлами, ундаги ижодий кайфият ва санъаткорлар

маҳорати — буларнинг барчаси танловнинг йил сайин нуфузли мусиқий анъаналарга айланиб бораётганидан дарак беради.

“Қизилқум оҳанглари — 2025” IV анъанавий ижрочилик кўрик-танловининг биринчи босқичида анъанавий чолгулар ансамбллари ва созандаarning 10 та, шунингдек, катта ва кичик ёш тоифасидаги хонандаларнинг 15 та чиқиши кўриб чиқилди. Иккинчи босқичда эса иштирокчилар бастакорлар

ижодидан биттадан асар ижро этиб, маҳоратларини намойиш этди.

— Ушбу танловда ҳакамлар ҳайъати раис сифатида иштирок этиб, ҳудудларда анъанавий ижрочилик санъатига берилаётган эътибордан жуда мамнун бўлдим, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Замира Суенова. — Истеъодларни кўриб қувондик, баъзан танловнинг масъулиятли дақиқаларида қийналдик. Ҳар бир иштирокчи ўзига хос чиқишлари билан ёдда қолди. Мазкур танлов мисолида комбинат тизимиди маданият муассасалари нафақат санъат анъаналарини асраб келаётгани, балки янги авлод ижодкорларини тарбиялаш борасида ҳам улкан ютуқларга эришаётганига гувоҳ бўлдик. Айниқса, голибликни қўлга киритган ижрочиларнинг сахнадаги ишончи, маҳорати ва миллий куй-қўшиқча меҳрида устозлар меҳнатининг самараси аққол сезилди.

Фестиваль давомида яккахон ижрочилар, ансамбллар, созандадар ва уларга ҳамроҳлик қилган устоз-мураббийлар учун барча

қулайликлар яратилиб, жараёнинг мазмунли ва унутилмас ўтишига замин ҳозирланди. Танлов иштирокчилари ўртасида дўстлик ва ижодий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш мақсадида НКМК касба уюммаси кенгаши томонидан “Дўстлик оқшоми” ҳам ташкил этилди.

Анъанавий чолгулар ансамбли йўналишида Фарҳод маданият саройининг “Сарабдор” макомчилар ансамбли голибликни қўлга киритди. Бунга жамонинг узоқ йиллик изчил

меҳнати, ижро маданияти ва ўзига хос талқинининг муносиб эътирофи, десак янглишмаган бўламиз. Ушбу жамоа сахнадаги уйғунлик, куйларнинг нафис талқини ва миллий ижрочилик мактабига хослиги билан томошабинлар ва ҳакамлар ҳайъатининг юксак баҳосига сазовор бўлди.

Кичик ёш тоифасида Учқудуқ маданият саройиндан иштирок этган Азизбек Исомидиновнинг ғалабаси эса ёш истеъодлар сафи кенгайиб бораётганидан далолат.



“

Юртимизда миллий санъатни ривожлантиришга хизмат қилаётган бундай танловларнинг давомли бўлиши ёш авлодни санъатга ошно этиши ва устозлар мактабини янада мустаҳкамлаши шубҳасиз. “Қизилқум оҳанглари” жаранги эса яна кўплаб истеъодлар қалбига илҳом ва қувонч бағишлайверади.

Унинг жарангдор овози, куйга бўлган сезgirlлиги ва сахнадаги эркинлигида порлоқ келажак ҳамда ёрқин умидлар борлиги кўриниб турди.

Катта ёш тоифасида Зафаробод ҳудудий бошқармасига қарашли Пахтачи тумани Қарнабота кўргонидида “Шодлик” клуби аъзоси Маржона Отақулованинг ғалабаси йиллар давомида шаклланган маҳоратнинг ёрқин ифодаси бўлди. У ижро этган қўшиқларда куй оҳанги, сўз мазмуни ва сахна маданияти ўзаро уйғунлашиб, томошабинларга чинакам маънавий завқ улашди.

Танловда иштирок этган барча жамоалар ва якка ижрочилар ўзига хос ижро услуби, маҳорати ҳамда сахна маданияти билан алоҳида эътироф этилди. Ҳакамлар ҳайъати томонидан билдирилган фикрларда ҳам танловнинг юқори савияда ташкил этилгани, иштирокчиларнинг тайёргарлик даражаси ва санъатга бўлган илҳоси алоҳида таъкидланди.

Ушбу кўрик-танлов анъанавий ижрочилик халқимизнинг кўҳна мусиқий мероси, миллий ўзлигимизнинг энг ёрқин ифодаси сифатида бугун ҳам бардавом яшаётганини амалда яна бир бор намоён этади. Юртимизда миллий санъатни ривожлантиришга хизмат қилаётган бундай танловларнинг давомли бўлиши ёш авлодни санъатга ошно этиши ва устозлар мактабини янада мустаҳкамлаши шубҳасиз. “Қизилқум оҳанглари” жаранги эса яна кўплаб истеъодлар қалбига илҳом ва қувонч бағишлайверади. Зеро, анъанавий санъат мактаби йўқолмайдди, аксинча, янгидан янги истеъодлар билан бойиб бораверади. Умидли ёшлар, тажрибали устозлар ва фидойи ижодий жамоаларнинг бир сахнага ҳам бўлиши нафақат мусиқий маданиятни юксалтиради, балки миллий руҳ ва қадриятларимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Тўй — яхши анъана, эзгу одат. Уни ортиқча дабдаба, исрофгарчилик билан ўтказиш эса, ҳеч шубҳасиз, иллат. Шу кунларда ОАВда аини иллат оқибатларини қоралаб айтилаётган фикрлар, амалга оширилаётган самарали лойиҳаларга кўзимиз тушяпти. Уларни ўқий туриб, мен ҳам танишларимдан биридан эшитган ҳикояни улашгим келди. Балки бу ким учундир ибрат бўлиб қолса... Қани, унда ҳикояни танишимнинг ўз тилидан ўқийлик.

Ҳаётимнинг энг ёрқин, энг унутилмас ва... энг аччиқ сабоқларини берган воқеалари сил-силасини сўзлашга жазм этдим. Эҳтимол, бу икорим ким учундир сабоқ, ким учундир танбех бўлар, балки кимдир ўзини, ўз тақдирини кўрар. Оддий, камхарж оила фарзанди-ман. Мамлакатимизнинг чекка ҳудудларидан бирида униб-ўсган, орзулари осмон, бироқ елкасидаги масъулият жуссасидан оғирроқ бўлган йигитман.

Коллежни битаётган пайтларим яхши эсимда. Кўнгилда минг бир орзу, минг бир режа. Аммо ўша орзуларнинг барчасини бир четга суриб турган улкан бир “вазифа” бор эди: уйланиш. Йўқ, шунчаки уйланиш эмас, балки “одамларга ўхшаб”, элга манзур бўладиган, ота-онамнинг юзини ёруғ қиладиган тарзда уйланиш. Ахир ўзимиз ҳам одамларнинг тўйида еб-ичиб, хизматига елиб-югуриб юрибмиз. Бу худди қарз, узилиши шарт бўлган қарз.

Шу тахлит тўйга ҳали чамаси икки йиллар борлигидек, дипломимни олишим билан чет элга, мусофирчиликка йўл олдим. Мақсад аниқ: аввалига уй-жойни таъмирлаш, сўнгра тўй харажатларига пул жамғариш. Самолётга чиқар эканман, онамнинг ёшли кўзларига қараб, “Тез қайтаман, она, тез орада ҳамма-мизнинг орзуларимиз ушалади”, дея пичирлаганим ёдимда.

Мусофирлик нони қаттиқ экан. Борган жойимда энг оғир, энг машаққатли ишларни бўйнимга олдим. Қурилишда бетон ташидим, совуқ омборхоналарда юк ортдим. Эрталаб кўзимни очганимда вужудим оғриқдан зир-қирар, кечаси ёстигимга бош қўйганимда эса ватан, оила соғинчи юрагимни эзарди. Аммо ҳар сафар ҳамёнимга келиб тушган маблаг-ка қараганимда, кўз олдимга обод бўлаётган ҳовлимиз, бўлажак тўй дабдбаси келар ва барча чарчоқларим ёзилиб кетгандек туюларди. Туну кун тиним билмадим. “Тўй” деган сўз мен учун қандайдир жуда қадрдон, дахлсиз бир мақсадга айланиб қолганди.

Тўйга бир йил қолганида анча нарса ўзгарди. Юборган пулларимга уйимиз чиндан ҳам кўркам бўлди. Отам ҳар телефон қилганида, “Уйнинг битди, ўғлим, энди ўзинг келсанг бас. Ҳамма ҳавас қилапти”, дерди. Бу гаплар менга қанот бағишларди. Бироқ ўша “ҳавас”-нинг бадали оғир бўлди. Бегона юртинг зах

ҳавосида туну кун ишлаш оқибатида бир буйрагимни қаттиқ шамоллатдим. Неча кунлаб шифохонада ётдим. Ўпкамни тўлдириб нафас ололмай, оғриқдан инграб чиққан кечаларимда кўпинча ўйлардим: “Шунча машаққат ким учун? Нима учун?”. Аммо жавоб ўша-ўша эди: “Тўй учун! Эл-юрт олдида юзим ёруғ бўлиши учун!”. Шифохонадан чиққач, бир оз ўзимни тиклаб олдим ва яна ишга шўнғидим. Мухими, уй битди. Энди навбат тўйнинг ўзига пул йиғишга келганди.

Тўйга олти ой қолганида топган пулимни бир йўла сарфлаб юбормаслик учун янги режа ўйлаб топдим. Ҳар икки ойда топганимга биттадан сигир сотиб ола бошладим. Ниятим тўйга яқин барчасини сотиб, харажатларни бемапол қоллаш эди. Бу режа ўзимга ҳам маъқул келди. Энди мен фақат пул учун эмас, ўша мол-ҳол учун ҳам ишлаб бошладим. Ҳар бир сигир кўз ўнгимда бўлгуси тўйнинг бир қисmini — созандани, дастурхонни ёки сарполарини гавдалантирарди.

Ниҳоят, тўйга бир ой қолганида ватанга қайтдим. Ёз фасли. Аэропортда яқинларимни бағримга босар эканман, икки йиллик азобларим унут бўлгандек ҳис қилдим. Ҳовлимизга кириб, чиндан ҳам ҳавас қилса аргизулик шароит яратилганига гувоҳ бўлдим. Отамнинг юзидаги мамнуният, онамнинг дуолари... Ҳаммаси ажойиб эди. Сигирларни кўздан кечирдим. Сони тўртта бўлибди. Ҳисоб-ки-тоб қилдим: шуларни сотсак, камтарона, ихчамгина тўй қилса бўлади.

Аммо... Мусофирликда юрганимда бир ният қилгандим: “Тўйни шундай зўр қилай-ки, ҳамма гапириб юрсин. Ахир мен ҳам бу ерларда бекорга тер тўкмапман”. Шу ўй ҳаёлимга келиши билан тўртта сигирнинг пули кўзимга жуда ҳам кўриниб кетди. Яхши санъаткор қақирши керак. Тўйхона ҳам энг



обрўлисидан бўлиши лозим. “Бир марта бўладиган тўй-ку, ишлаб қайтараман”, деган ўз-ўзини овутishi билан хорижда бирга ишлаган ўртоқларимга телефон қилдим. Яна учта сигирнинг пулини қарзга олдим. Энди ўзимни анча хотиржам ҳис қила бошладим. Ахир тўйим дабдабали бўлади!

Тўйга уч кун қолди. Бу паллалар, шубҳасиз, умрнинг энг ёрқин, энг тотли лаҳзалари бўлса керак. Ҳамма хурсанд, ҳамма елиб-



югуриб хизматда. Кунда-кунора бўлажак қудалар билан совга-салом алмашиб, “қуда қақирди”, у-бу маросимлар... Бу кунларда инсоннинг хаёлига бирор салбий фикр келмас экан. Атрофнинг фақат яхши ниятли, сенга “машлаҳат” берадиган одамлар билан тўла бўлади. Яқин дўстлар, қариндошлар бирин-кетин “Ундай қил, фалон нарса кам бўлмасин”, “Пистончининг тўйида унақа бўлганди, сеникида буниси ҳам бўлиши керак”, деган таклифларни ўртага ташлай бошлади. “Тўйим ҳеч кимникидан кам бўлмасин!” деган ягона бир истак вужудимни шу қадар қамраб олдики, уларнинг айтганларини ҳам қилдим, албатта, қарз эвасига.

Ўша “машлаҳатчилар”нинг ҳар бир гапи ўқдек теғарди. “Фалончининг ўғли Европада келиб, бутун маҳаллани ресторанга чақирди, сен олдингина тўйхонада ўтказасанми?” дейди бир амаким киноя билан. “Сарпо масаласини нима қилдинг? Қуданинг обрўсини ўйла! Ўнгла кўрпача, йигирмата пояндоздан кам бўлса, гап-сўз бўлади”, дейди холам. Мен ўзимни оқлашга уриндим: “Ахир ҳеч бўлмаса шуларини ихчамроқ қилсак-чи...”. Бу гапим ўтга мой сепгандек бўлди. “Бир кунилик тўйда юзинг ёруғ бўлмаса, кейин қандай бош кўтариб юрасан?”. Шу савол — “Эл-юрт нима дейди?” деган ўша машъум савол менинг охириги қаршилигимни ҳам синдириди. Отам... бечора отам бир чеккада индамай турарди. Унинг кўзларида норозилик эмас, оғирлик кўрардим. У ҳам шу “эл-юрт”нинг бир парчаси эканидан, ўғлини бу гирдобдан тортиб ололмаслигидан эзилаётгани шундоққина кўриниб турарди. Хуллас, ўша “эл”нинг

оғзини ёпиш учун яна қарз олдим. Бояги етти сигирнинг пули энди фақат озиқ-овқат ва ресторанга зўрга етадиган бўлиб қолганди. Автомобиль карвонига, куёвнавкар маросимига, қудаларга бериладиган у-буларга яна ва яна қарз олдим. “Кимўзар”га ўзим билмаган ҳолда қўшилиб қолгандим ва бу пойгада голиб бўлиш учун боримни тикишга тайёр эдим.

Тўй кунини... Ўша кунни таърифлашга тилим ожиз. Ҳамма нарса кўнгилдагидек, мен орзу қилгандан ҳам аъло даражада ўтди. Дастурхонлар тўкин-сочин. Таниқли санъаткорларнинг куй-қўшиқлари авжида. Отамнинг кўксига шамол тегиб, келган меҳмонларга бирма-бир эътибор кўрсатиб юриши, онамнинг чехрасидаги бахтиёрлик... Еру дўстлар, қариндошлар тўйнинг дабдабасидан ҳайратда эканини бот-бот такроқларди. Рафиқам иккимиз ўша кунни дунёдаги энг бахтли жуфтлик эдик. Кайфиятим шу қадар чоғ эдики, мендан бахтли одам йўқдек туюларди ўзимга.

Ҳа, мен бахтиёрман деб ўйлардим. Кўзим қамашганди. Атрофимдаги ялтироқ либосларга, ёзлаб одамлар шовқинига, санъаткорнинг сохта мактовларига кўмилиб қолгандим. Ўша кунни қанча озиқ-овқат исроф, қанча нон ушқоқлар оёқсоти бўлганини идрок қилмасдим. Дастурхонга қарамаган одамлар тўйхонадан кўра кўпроқ бир-бирининг уст-бошини, таққан тили тақинчоғини муҳокама қиладиган аёлларни кўрмасдим. Бир лаҳза ўзимни четдан кузаттим келди: қимматбаҳо костюм-шим кийган, юзига “бахтли” ниқоби-ни тортган, аммо вужуди қарз ботқоғига ботиб бораётган бир кўгирчоқ. Аммо бу ўйлар бир сония, бир лаҳза келди-ю, яна ўша “ғурур” тўлкини томонидан ювиб кетилди. Ахир тўйим ҳаммакиндан зўр ўтаётганди! Ҳаммакиндан зўр! Шу сўз ўша кунни мен учун бахтнинг ўлчоғи эди.

Тўйдан ўн кун ўтгач... Тўйнинг шовқин-сурони тиңди, узоқ-яқин меҳмонларгача тарқалди. Тонгда рафиқам иккимиз нонуштага ўтирганимизда, ҳамёнимда пул қолганига эсимга тушди. Қарасам, яшашда давом этиш учун, оддий рўзгор қилиш, майда-чуйда харажатлар учун ҳам пул керак экан. Тўйнинг дабдбаси билан бўлиб, эртанги кун ҳақида ўйлаш хаёлимизга ҳам келмаган экан. Шу кунларда ҳалиги қарз олган инсонларим ҳам бирма-бир кўнчироқ қилиб, аввал ҳол-аҳвол сўраб, сўнгра қарз масаласини оҳиста эслата бошлади.

Ўша эслатишлар тез орада очик-ойдин талабга айланди. “Тўй ўтди, энди қарзни берсангиз...зарур бўлаётганди”, деган гаплар ҳар кунни қулоғимга чалинардди. Уйда ҳам ҳаловат йўқолди. Рафиқам билан энди ширин орзулар қуриш, келажак режаларини тузиш ўрнига телефоннинг ҳар жин-ринглашидан хавотирга тушадиган бўлдим. Рафиқам аввалига ҳеч нарсани тушунамади. “Тинчликми, нима бўляпти?” дея сўраганимда, “Ишдаги муаммолар”, деб алдардим. Аммо ёлгоннинг умри қисқа экан. Бир куни қарздорлардан бирининг отаси уйга келиб, эшикда овозини балаңдлатганида, ҳамма сир очилди. Ўша кунни рафиқамнинг мендан нигоҳларини олиб қочишини кўрдим. У индамади. Фақат кечаси билан йиғлаб чиққанини эшитиб ётдим. Ўртаимиздаги самимиятга, ишончга биринчи кунларданок зарб кетганди. Мен бир кунилик обрўни деб бир

умрлик йўлдошимнинг кўзига тик қарай олмайдиган ҳолатга тушиб қолгандим. Унинг “Отам айтганди, бунча дабдаба қилмасангиз ҳам бўларди”, деб пичирлагани юрагимга ханжардек санчилди. Хуллас, бўйнимда тоғдек қарз билан тўйдан кейин ўн кун ҳам хотиржам яшай олмадим. Кечалари уйку-сизлик қийнай бошлади. Бир кунилик шон-шухратнинг баҳоси шунча оғир бўлишини тасаввур ҳам қилмагандим.

Тўйдан бир ой ўтгач, вазият бутунлай чиғаллашди. Қарз олганларим тинмай безовта қила бошлади. Уйда тинчлик йўқолди. Ягона ечим бор эди: яна ўша мусофирчиликка йўл олиш. Қарзларни узиш ва... озорқ пул тўплаб қайтиш. Ниятимни рафиқамга айтдим. Бечора янги келинчақ, кўзларимга мўлтираб қараб туриб, ўзини тия олмай йиғлаб юборди. “Энди бахтли яшаймиз деганимда...”, дея пичирлади у. Юрагим эзилиб кетди. Уни овуттишга сўз тополмадим. Ахир мен яна хорижга кетмасам бўлмасди. Ўз кўлларим билан курган бахт қасримни ўз кўлларим билан барбод қиладигандек эдим.

Тўйдан қирқ кун ўтгач... Урф-одатга кўра, “чилла”ни чиқардим. Оила аъзоларим, яқинларим билан хўрлик аралаш хайрлашдим. Янги келинчакни ота-онамга омонат топширдиму яна ўша бегона тупроққа юзландим. Аэропортда ортимга қайрилиб қараганимда, ўзим курган ҳашаматли уй, ўзим ўтказган дабдабали тўй — барчаси кўзимга улкан бир алдамчилик, сохта бир кўргазма бўлиб кўринди. Ўша пайтлардаги ахволимни, юрагимдан кечган изтиробларни, рости, сўз билан таърифлаб бера олмайман. Бир кунилик “подшоҳлик” товодини тўлаш учун худди яна “қулилик”ка отланаётгандим.

Тўйдан олти ой ўтгач, мана, мен яна ўша таниш қурилишдаман. Қора меҳнатдаман. Кеча-кундуз тиним билмай ишлаб, қарзларимнинг барчасини узиб бўлдим. Ҳа, қарздан қутулдим. Аммо нималарнидир йўқотдим. Нима эканини ўзим ҳам аниқ билмайман... Балки вақтни, балки ишончини, балки шунчаки бахтли яшаш имкониятини. Уйга жуда қайтгим келяпти. Рафиқамни, ота-онамни соғиндим. Ҳар кеча улар билан телефонда гаплашганимда, овозимга сохта бардамлик беришга уринаман. Лекин... уйга ҳам қуруқ қўл билан қайтиб бўлмайди-ку. Ахир оилани боқиб керак. Энди яна олти ойча ишлаб, рўзгорга керакли нарсаларини олиб, кейин қайтиш ниятидаман.

Баъзан ишим оғир келган пайтларда, ёлғиз қолганимда ўйланиб қоламан: ким билди дейсиз, агар ўша бир кунилик тадбирини исроф қилмай, ихчамроқ ўтказиб, қарзга ботмасам... Ўша дабдабага кетган сармояга, ўша сигирларнинг пулига бирор кичикроқ тадбиркорлик бошлаганимда... Балки бутун бу ерларда, ўз яқинларимдан минглаб қақирим узоқда, бегона юртинг совуқ ётоқхонасида ўз ватанимни кўмсаб, соғинч азобида қамалсмидим?

Баъзан бу ердаги ётоқхонада ўтириб, атрофимдаги ўзимга ўхшаган мусофирларга қарайман. Ҳар бирининг тақдирини бир-бирига ўхшаш. Кимдир ўғлининг тўйига қарз олиб, узоқлаб келган, кимдир қизининг сарпоси учун бу ерда саломатлигини “сотяпти”. Биз кўпчиликмиз. Биз “эл-юрт нима дейди?” деган саволнинг тирик қурбонларимиз. Биз ўзимиз яратган исрофгарчилик деган “аждаҳо”-нинг чангалида яшаётган “бахтиёрлар”миз.

Мен ўзимни оқламоқчи эмасман. Мен “эл-юрт нима дейди?” деган андишанинг қурбониман. Мен “бир марта бўлади-ку”, деган алдамчи шпорнинг асириман. Мен дабдабани бахт деб ўйлаган, бир кунилик кўргазма учун ойлаб, йиллаб тинчлигини йўқотган нодон бир йигитман.

Иқороримни тутатар эканман, битта савол ҳамон менга тинчлик бермайди: Биз қачон тўй учун яшашни эмас, яшаш учун тўй қилишни ўрганамиз? Қачон бир кунилик дабдабадан кўра, бир умрлик бахт-саодатни устун қўядиган бўламиз? Билмадим... Ҳозирча эса мен яна ишга боришим керак. Ахир уйга қуруқ қўл билан қайтиб бўлмайди...

Хулоса ўзингиздан.

Жонибек АЛИЖОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Миллий қадриятларимиз

80 ЁШДА ҲАМ СЕРҒАЙРАТ, ФАОЛ

Бугунги глобаллашув жараёнида миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда уларни келажак авлодга безавол етказиш муҳим аҳамиятга эга. Халқимизнинг кўхна анъаналари ва қадимий хунармандчилиги ҳам изчил ривожланиб, мазмунан такомиллашиб бормоқда. Шовот туманида яшовчи Ҳайитжон момо Абдуллаева маънавий меросни қайта тиклаш ва ёшлар қалбида унга ҳурмат туйғусини шакллантиришга хисса қўшиб келаётган юртдошларимиздан.

Умрининг аксарият қисmini турли меҳнат жабҳаларига, хусусан, қуроқчилик санъатига бағишлаган Ҳайитжон момо 80 ёшни қарши олаётганига қарамай, ҳамон серғайрат ва фаол. Онахоннинг таъкидлашича, унинг ушбу хунарга меҳри балолигиданок онасининг ўғитлари ва кўмагида шаклланган. Босини, ўша даврларда қуроқчилик Хоразм аёллари орасида кенг тарқалган ва энг сеvimли машғулотлардан бири бўлган.

— Ёшлигимда онам менга чеварлик сирларини ўргатган. Қуроқ текиси эса ўша пайтларда урфга кирган эди, — дейди Ҳайитжон момо. — Бугун ҳам ёш оилаларга бахт-саодат тилаб, қуроқлар тайёрлаб бераман. Бу — молларимиздан қолган қадимий мерос. Ушбу хунарни давом эттираётганимдан фахрланаман. Хунар инсонни ёшартиради.

Ҳайитжон момо тиккан ҳар бир қуроқ нафақат гўзаллиги, балки ўзига хос чўқур



маъно-мазмунга эгаллиги билан ҳам ажралиб туради. Айниқса, тўй-тантаналарда келин-куёлар учун мўлжалланган қуроқлар миллий урф-одатлар ва замонавий услуб уйғунлигида тикилади. Ранглар мутаносиблиги, безакларнинг ўзаро мослиги ва чевар қўллар меҳнати ҳар бир буюмини янада қадрли ва бетақдор қилади.

Бугун Ҳайитжон момо “Хунарманд” уюшмасининг фаол аъзоси сифатида кўплаб ёшларга хунар ўргатиб келмоқда. Унинг сабоқлари, меҳнатга муҳаббати ва бағрикенглиги шогирдлар учун ўзига хос ибрат мактаби. Шу боис, кўпчилик юртдошларимиз қуроқчилик каби унутилиб бораётган санъат турини қайта тиклаётгани учун онахонга миннатдорлик билдиради.

Ҳайитжон момонинг сермазмун меҳнати ва эзгу ташаббуслари шунчаки хунармандчилик эмас, балки миллий ўзлигимизни асраш йўлидаги юксак хизмат ҳамдир. Орамизда шундай фидойи инсонлар бор экан, халқимизнинг маънавий мероси, хусусан, аёллар хунармандчилиги янада равнақ топиб, келажак авлодга тўлақонли етказилaveraди.

Асадбек ЮСУФ,
ЎзЖОКУ талабаси

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.